


## КОНФУЦИЙ ҲИКМАТЛАРИДА “КОМИЛ ИНСОН” ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-513-519

**Исматуллаева Наргиза Расулжановна**

Филология фанлари бўйича PhD,

Таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси,

Тошкент давлат шарқшунослик университети

[ismatullayeva.nargiza@gmail.com](mailto:ismatullayeva.nargiza@gmail.com)

***Аннотация:** Азалдан қадимий Шарқ фалсафаси ўзининг бой маънавий мазмуни билан Шарқ ва Ғарб мамлакатлари олимларининг диққатини жалб қилиб келган. Маълумки, XVII-XVIII асрларда Европада хитой мафкурасининг яққол таъсири бўлган Маърифатпарварлар фалсафий оқими вужудга келади. Оқимнинг вакиллари конфуцийчиликни “амалий ахлоқ-одоб”, Хитойни эса “файласуфлар мамлақати” деб кўрсатадилар [1, 256]. Дунё тан олган, жаҳоннинг ўн нафар йирик файласуфлари қаторидан жой олган Конфуций ижоди билан қизиқишимизнинг ўсиб бориши бу унинг таълимотидаги атамаларнинг ҳозирги даврда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлиги туфайлидир. Ушбу мақола ҳам хитой файласуфи Конфуцийнинг таълимотида асосий фалсафий категориялардан ҳисобланмиш “комил инсон” тушунчаси таҳлиliga бағишланган.*

***Калим сўзлар:** Конфуций, конфуцийчилик таълимоти, “Лунюй” (“Сухбат ва мулоҳазалар”) асари, комил инсон, ҳақир одам.*

## INTERPRETATION OF THE CONCEPT OF THE PERFECT MAN IN CONFUCIUS ANALECTS

***Abstract:** From ancient times, the philosophy of the ancient East with its rich spiritual content has attracted the attention of scholars of Eastern and Western countries. It is known that in the XVII-XVIII centuries in Europe there was a philosophical current of Enlightenment, which was a clear influence of Chinese ideology. Representatives of the sect describe Confucianism as a "practical ethic" and China as a "country of philosophers" [1, 256]. Our growing interest in the work of Confucius, one of the world's ten greatest philosophers, is due to the fact that the terms in his teachings have not lost their relevance today. This article is also devoted*

to the analysis of the concept of "perfect man", which is one of the main philosophical categories in the teachings of the Chinese philosopher Confucius.

**Keywords:** Confucius, Confucianism, Lunyu (“Conversations and Reflections”), the Perfect Man, the Humble Man.

Қадимда шаклланган фалсафий таълимотларнинг эзгулик учун хизмат қилувчи мазмун ва моҳияти туфайли уларга муайян бир давр ҳукмрон сулолалари томонидан дин мақомини беришгача олиб келган. Мана шундай йирик таълимотлардан бири бўлмиш конфуцийчиликда энг асосий ахлоқий категориялардан ҳисобланган “комил инсон”, “инсонпарварлик”, “муҳаққак йўл”, “бурч”, “фарзандлик эҳтироми” сингари тушунчалар ўзгача талқин қилинади.

Мазкур мақолада хитой тилидаги “комил инсон” 君子 *jūnzǐ* сўзида қуйидагича таҳлиллар олиб борилди.

А) “君子” *jūnzǐ* атамасининг лексик-семантик таҳлили.

Конфуций таълимотида яна бир катта аҳамиятга эга атамалардан бири 君子 *jūnzǐ* атамаси бўлиб, унинг бир қатор лексик маънолари барчаси от сўз туркумига хос.

1) Ғарбий Жоу, Чунчю даврида йирик зодагон, амалдорларга нисбатан қўлланган номлаш.

“君子所其无逸。” *Jūnzǐ suǒ qí wú yì.* (《书·无逸》) [2, 2681]

“Амалдорнинг қилган ишларидан қоч.”

2) Чунчю даври охирларида юқори ахлоқ эгаларига нисбатан қўлланган номлаш. Конфуций таълимотига кўра комил инсон, олижаноб инсон.

“君子有三畏：畏天命，畏大人，畏圣人之言。”

*Jūnzǐ yǒusān wèi: Wèi tiānmìng, wèi dàrén, wèi shèngrén zhī yán.*

“Комил инсон уч нарсадан кўрқади: тақдирдан, мансаби юқори кишиларнинг феъл атворидан, донишманднинг мулоҳазасидан.” [3, 115]

3) Жентльмен, жентльменча;

君子协定 *Jūnzǐ xiédìng* – жентльменча келишув.

4) Қадимда рафиқанинг ўз эрига нисбатан қўллаган ҳурмат маъносидаги номлаши.

“未见君子，忧心忡忡。” *Wèi jiàn jūnzǐ, yōuxīnchōngchōng.* (《诗·召南·草虫》) [2, 2681]

“Жуфти ҳалолим (рафиғим)ни кўролмасдан, таҳлика-хавотирдаман.”

5) Ўғилнинг оламдан ўтган отага нисбатан ҳурмат маъносида қўллайдиган номлаши.

先君子 *xiān jūnzǐ* – марҳум ота

В) “君子” ва “小人” сўзларининг синоним ва антонимлари.

“君子” *jūnzǐ* ва “小人” *xiǎorén* атамалари ўзаро антоним сўзлар бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда 君子 атамасининг синонимлари ва 小人 атамасининг антонимлари “大人” *dàrén* – “буюк инсон”, “仁人” *rénrén* – “инсонпарвар одам”, “志士” *zhìshì* – “иродали (принципли) инсон”, “贤哲” *xiánzhé* – “донишманд (доно инсон)” сўзларидан; 君子 атамасининг антонимлари ва 小人 атамасининг синонимлари эса “鼠辈” *shǔbèi* – “нотавон”, “пасткаш”, “小丑” *xiǎochǒu* – “бачкана одам”, “майнавоз” сўзларидан иборат [4, 109].

Г) “君子” ва “小人” сўзларининг Конфуций таълимотига кўра таҳлили.

Конфуций таълимотига кўра жамият икки асосий ижтимоий категорияга бўлинган: 君子 “комил инсон” ва 小人 “ҳақир одам”. Жамиятни юқори ва қуйига ажратиш мезонлари насл-насабнинг машҳурлиги ва бойлик эмас, балки фақат билим олиш ва яхши фазилатлар, аниқроғи инсоннинг “комил инсон” идеалига яқинлашиш даражаси ҳисобланган.

Конфуцийга мувофиқ комил, олижаноб инсоннинг хусусиятлари авваламбор ҳукмдорда жо бўлиши лозим. Шунинг учун “комил инсон” ва “ҳукмдор” тушунчалари Конфуцийда кўпинча бир бирига мос келади. Аслида “君子” *jūnzǐ* сўзининг дастлабки асл маъноси “ҳукмдорнинг ўғли” бўлиб, 君 *jūn* – ҳукмдор, 子 *zǐ* – ўғил маъноларига эга [1, 426].

Мазкур тушунчанинг Конфуций таълимотидаги талқинини унинг “Лунной” асарида келтирилган бандларда кузатишимиз ва тушунчалар хусусиятларини бир неча қирралар хусусидаги фарқларини ажратиб кўриб чиқишимиз мумкин.

### 1) Ички ахлоқий фазилат ва иллатларга эгалик борасида.

☆ “君子怀德，小人怀土；君子怀刑，小人怀惠。”

*Jūnzǐ huái dé, xiǎo rén huái tǔ; jūnzǐ huái xíng, xiǎo rén huái huì.*

“Комил инсон ахлоқни соғинади, ҳақир одам эса она ерини қўмсайди; комил инсон қонун ва интизомни ўйлайди, ҳақир одам эса хайр-саҳоватни кўзлайди.” [3, 20]

☆ “君子坦荡荡，小人长戚戚。”

*Jūnzǐ tǎndàng dàng, xiǎo rén zhǎng qī qī.*

“Комил инсоннинг кўнгли она табиат каби кенг бўлади, ҳақир одам эса ҳасратда ўтираверади”. [3, 37]

☆ “君子泰而不骄，小人骄而不泰。”

*Jūnzǐ tài ér bù jiāo, xiǎo rén jiāo ér bù tài.*

“Комил инсон оғир-вазмин бўлади, лекин такаббур бўлмайди. Ҳақир одам эса такаббур бўлади-ю, вазмин бўла олмайди.” [3, 90]

☆ “君子上达，小人下达。”

*Jūnzǐ shàng dá, xiǎo rén xià dá.*

“Комил (инсонпарварлик ва бурчга) интилади, ҳақир одам эса қуйига (бойлик ва манфаатга) интилади.” [3, 97]

Юқорида келтирилган барча ўринларда комил инсоннинг фазилати ҳақир одамнинг иллоти билан қарама-қарши қўйиш воситасида кўрсатилади. Бунда комил инсон ўзидаги сифатлар билан инсонпарварликка томон йўналиши ва шунинг натижасидагина ҳокимиятда адолатли, оқил бошқарувга эришиш мумкинлиги таъкидланади.

## 2) Сўзлаш маданияти борасида.

☆ “君子先行其言而后从之。”

*Jūnzǐ xiānxíng qí yán ér hòu cóng zhī.*

“Комил инсон дилида ўйлаганини аввал бажаради, сўнгина айтади”. [3, 8]

☆ “君子和而不同，小人同而不和。”

*Jūnzǐ hé ér bù tóng, xiǎo rén tóng ér bù hé.*

“Комил инсон уйғунликка жиддий қарайди, балки бошқаларнинг фикрига кўр-кўрона қўшилишмайди. Ҳақир одам эса ўзгалар фикрига кўр-кўрона қўшилишади, уйғунликка эса жиддий қарамайди”. [3, 89]

☆ “侍于君子有三愆：言未及之而言谓之躁，言及之而不言谓之隐，未见颜色而言谓之瞽。”

*Shì yú jūnzǐ yǒusān qiān: Yán wèi jí zhī ér yán wèi zhī zào, yán jí zhī ér bù yán wèi zhī yǐn, wèi jiàn yánsè ér yán wèi zhī gǔ.*

“Комил инсон билан суҳбатда учта хатоликка йўл қўйиш мумкин. Ҳали сендан савол сўрамасдан гапирсанг, бу шошқалоқлик ҳисобланади. Сендан савол сўраб бўлганида ҳам ҳануз оғиз очмасанг, бу сир яшириш ҳисобланади. Олижаноб инсоннинг юз ифодасига қарамай, мулоҳазасизлик билан сўзласанг, бу сўқирлик ҳисобланади”. [3, 1]

Кўриб турганимиздек, комил инсон нафақат дилда ботиний фазилатларга эга бўлиши, балки зоҳиран ҳам етук бўлиши лозимлигига катта урғу берилади.

Инсонлараро мулоқотда комил инсон ўз нутқига, сўзларига, ҳаракатларига эътиборли бўлиши таъкидланади.

### 3) Жамият ҳаётидаги аҳамияти хусусида.

✧ “君子周而不比，小人比而不周。”

*Jūnzǐ zhōu ér bùbǐ, xiǎo rén bǐ ér bù zhōu.*

“Комил инсон кишилар билан бирлашади, лекин ўзаро тил бириктирмайди. Ҳақир одам эса ўзаро тил бириктиради-ю, бирлаша олмайди”. [3, 8]

✧ “君子易事而难说也。说之不以道，不说也。及其使人也，器之。小人难事而易说也。说之虽不以道，说也。及其使人也，求备焉。”

*Jūnzǐ yì shì ér nánshuō yě. Shuō zhī bù yǐ dào, bù shuō yě. Jí qí shǐ rén yě, qì zhī. Xiǎo rén nánshì ér yì shuō yě. Shuō zhī suī bù yǐ dào, shuō yě. Jí qí shǐ rén yě, qiú bèi yān.*

“Комил инсоннинг кўли остида ишлаш осон, лекин унга ёқиш жуда мушкул. Унинг эътиборини тўғри йўл билан қозонилмаса, акс ҳолда у буни ёқтирмайди. У инсонлардан фойдаланишда ҳар бир шахснинг қобилиятига қараб одилонга иш кўради. Ҳақир одам кўлида ишлаш эса қийин, лекин унга ёқиш жуда осон. Тўғри йўлдан бормай ҳам унга ёқиш мумкин. У кишилардан фойдаланишда улардан доим ҳамма нарсага лаёқатли бўлишларини талаб қилади”. [3, 90]

✧ “君子成人之美，不成人之恶。小人反是。”

*Jūnzǐ chéng rén zhī měi, bù chéng rén zhī è. Xiǎo rén fǎn shì.*

“Комил инсон ўзгаларнинг яхши ишларига кўмак беради, ёмон ишларига ёрдам бермайди. Ҳақир одам эса аксинча.” [3, 79]

✧ “君子求诸己，小人求诸人。”

*Jūnzǐ qiú zhū jǐ, xiǎo rén qiú zhū rén.*

“Комил инсон ўзидан талаб қилади, ҳақир одам эса ўзгалардан”. [3, 107]

Шу ўринда, комил инсоннинг жамиятдаги ахлоқий жиҳатлари ҳақир одамнинг ҳаракатлари билан зидлаган ҳолда кўрсатилади. Хусусан, комил инсоннинг ўзгалар билан бирлаша олиши, кишиларга ёрдам кўлини чўзиши, масалаларга одилонга ёндошиши, ўзига нисбатан талабчанлиги олқишланади.

### 4) Сиёсий масалалардаги муносабати хусусида.

✧ “先进于礼乐，野人也；后进于礼乐，君子也。如用之，则吾从先进。”

*Xiānjìn yú lǐ yuè, yě rén yě; hòujìn yú lǐ yuè, jūnzǐ yě. Rú yòng zhī, zé wú cóng xiānjìn.*

“Аввал ахлоқ қоидалари ва мусиқани ўрганиб, кейин мансабдор бўлган одам оддий халқдан чиққан кишидир. Аввал мансабдор бўлиб, кейин ахлоқ қоидалари ва мусиқани ўрганган одам ҳукмдор<sup>1</sup>дир. Агар мен давлат хизмати учун истеъдодларни танлаганимда, мен аввал ахлоқ қоидалари ва мусиқани ўрганган инсонни танлаган бўлардим”. [3, 65]

☆ “君子之德风，小人之德草，草上之风，必偃。”

*Jūnzǐ zhī dé fēng, xiǎo rén zhī dé cǎo, cǎo shàng zhī fēng, bì yǎn.*

“Комил инсоннинг фазилатини шамолга, хақир одамнинг фазилатини майсага таққослаш мумкин. Шамол ўт-ўланлар устида эсади, шу сабаб майсанинг шамол ортидан эгилиши муқаррар.” [3, 79]

☆ “君子思不出其位。”

*Jūnzǐ sī bù chū qí wèi.*

“Комил инсоннинг ўйлайдиган масалалари ўз мансаб доирасидан чиқиб кетмайди (Комил инсон фақат ўз мансаб доирасидаги масалалар устида бош қотиради).” [3, 97]

Эътиборли жиҳати шундаки, Конфуций ҳикматларида олқишланган комил инсон характери ҳукмдор қиёфасида ўз аксини топади. Шу туфайли ҳам юқори фазилатларга эга комил инсон сиёсатда фаолият олиб борса, адолатли бошқарувга таянган ҳолда жамиятни тараққиёт томон етаклаши мумкинлиги назарда тутилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Конфуций сиёсий ихтилофлар, курашлар, парчаланишлар даврида яшаб фаолият юритганлиги туфайли, у “комил инсон” ҳислатларига эга адолатли ҳукмдор ҳамда ахлоқий фазилатли жамиятни орзу қилади. Шу сабабли унинг ҳикматларида “комил инсон” тушунчасига, унинг ахлоқий фазилатларига жуда катта урғу берилади. “Комил инсон” талқини ички ахлоқий фазилат ва иллатларга эгалик; сўзлаш маданияти; жамият ҳаётидаги ўрни; сиёсий масалаларда муносабати доирасида кузатилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Китайская философия. – М.: Мысль, 1994. – С 256.

2. 《辞海》 (“Сўзлар денгизи” луғати). – 上海: 上海辞书出版社, 1999 年. – 页 2681.

<sup>1</sup> 君子 тушунчаси “Лунъюй” да айрим ўринларда “ҳукмдор” таржимасига мувофиқ келади.

3. 《论语》 (“Лунъюй”). 山东曲阜, 1985 年./ “季氏” (“Жи уруғи”). – Б 115, 8-банд.
4. 《新华反义词词典》 (“Янги хитойча антоним сўзлар луғати”). – 北京: 商务印书馆, 2004 年. – 页 109.
5. 刘延勃。哲学辞典。– 吉林: 吉林人民出版社, 1985 年。
6. Большая книга афоризмов. – Москва: Издательство АСТ, 2018.
7. Ҳамидов Х., Исматуллаева Н. “Лун Юй” таржималарига қайтиб.... “Ўзбекистон-Хитой: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривожига” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция. – Тошкент: ТошДШИ, 2018.
8. Исматуллаева Н. Конфуций таълимотида “禮 li” атамасининг лингвистик таҳлили// Шарқшунослик илмий журнали № 1. – Т: ТошДШИ, 2013.